

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ СОҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ОДАМ АНАТОМИЯСИ КАФЕДРАСИ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ № 45

МАВЗУ: ОРАЛИҚ ВА УНИНГ ЁШГА ҚАРАБ ЎЗГАРИШИ.

Кафедра мудири: Х.А.Расулов

ТОШКЕНТ 2009

45- амалий машғулот (13-маъруза)

Мавзу: Оралиқ ва унинг ёшга қараб ўзгариши.

Машғулотнинг мақсади:

Талабаларга оралиқнинг тузилишини ва ёшга қараб ўзгаришини тушинтириш.

Вазифалар:

- оралиқдаги ҳосилаларнинг ўзбекча ва лотинча номларини билиши ўргатиш

- Оралиқнинг қисмларини ва ундаги ҳосилаларни кўрсатиш

- Оралиқнинг болалардаги хусусиятларини ўргатиш

Назарий қисм:

Талабаларнинг назарий ва амалий билимларини аниқлагач ўқитувчи оралиқнинг тузилишини, уларнинг вазифасини ва одам организмидаги аҳамиятини тушинтириб беради.

Оралиқ (perineum) кичик чаноқнинг чиқиш тешигини қоплаб турган юмшоқ тўқима тўпламидир. Оралиқ олд томондан қов симфизининг пастки чеккаси, орқадан дум суягининг учи, ён томондан қов ва ўтиргич суяқларининг пастки шохлари ва ўтиргич бўртиғи билан чегараланган. У ромб шаклида бўлиб, ўтиргич бўртиқларини ўзаро бириктирувчи чизик уни икки учбурчакка: олдинги-юқориги сийдик-таносил тўсиғи, пастки-орқа қисми чаноқ тўсиғига ажратади.

Сийдик-таносил тўсиқ (diaphragma urogenitalis) оралиқнинг олд томонини эгаллаган учи қов симфизига қараган учбурчак шаклида. Унинг ён томонларини қов ва қуймич суяги пастки шохлари, асосини эса қуймич дўнглари бириктирувчи чизик ҳосил қилади. Сийдик-таносил тўсиғи орқали эркакларда сийдик чиқариш канали, аёлларда эса сийдик чиқариш канали ва қин ўтади. Сийдик-таносил тўсиғи мушаклари юза ва чуқур қаватларга бўлинади. Юза қаватда қуймич-ғовак тана, сўғон-ғовак тана ва оралиқнинг юза кўндаланг мушаклари жойлашади.

Ўтиргич-ғовак тана мушаги (m. ischiocavernosus) жуфт бўлиб, қуймич суягининг пастки шохидан бошланиб, эркакларда олотнинг, аёлларда клиторнинг ғовак танасини ўраган оқлиқ пардага бирикади. Иккала мушак қисқарганида эрлик олоти ва клиторни эррекция қилади.

Сўғон-ғовак тана мушаги (m. bulbospongiosus) эркакларда эрлик олоти сўғони пастки юзасидаги чокдан бошланиб ўнг ва чап томондан эрлик олоти сўғони ва (corpora spongiosa) ни ўраб, унинг оқлиқ пардасига бирикади. қисқарганида олот сўғонини, ғовак танасини ва бульбоуретрал безларни сиқиб эррекцияда иштирок этади. Аёлларда бу мушак оралиқнинг пай маркази ва орқа тешикни ташқи сфинктеридан бошланиб, қинни тешиги

соҳасида ўраб (*m. constrictor cunni*) ни ҳосил қилади ва клиторнинг дорсал юзасига бирикади.

Ораликнинг юза кўндаланг мушаги (*m. transversus perinei superficialis*) жуфт бўлиб, ўтирғич суяги пастки шохидан бошланиб пай марказида қарама-қарши томондаги мушак билан бирикади. Ораликнинг пай марказини мустаҳкамлашда иштирок этади.

Сийдик-таносил тўсиғи чуқур мушакларига ораликнинг чуқур кўндаланг мушаги ва сийдик чиқарув каналини қисувчи мушак киради.

Ораликни чуқур кўндаланг мушаги (*m. transversus perinei profundus*) жуфт, ўтирғич ва қов суяклари шохларидан бошланиб ўрта чизикда қарама-қарши томондаги мушак билан бирикиб, ораликнинг пай марказини ҳосил қилишда иштирок этади.

Сийдик чиқарув найини қисувчи мушак (*m. spincter uretrae*) айланма толалардан иборат бўлиб, эркакларда сийдик чиқарув каналини парда қисмини ўраса, аёлларда сийдик чиқарув каналини ўраб қин деворига ёпишади. Бу мушак сийдик чиқарув найини ихтиёрий қисувчиси ҳисобланади.

Чанок тўсиғи (*diaphragma pelvis*) учбурчак шаклида ораликни орқа қисмини ҳосил қилади. Учбурчакнинг учи дум суягига қараган бўлиб, ундан тўғри ичакнинг охириги қисми ўтади. Чанок диафрагмасининг юза қаватида орқа тешикни қисувчи мушак (*m. spincter ani*) жойлашади. Бу мушакнинг юза тутамлари тери ости ёғ қатламида тугайди. Дум суяги учидан бошланувчи тутамлар эса орқа тешикни ўраб олиб ораликни пай марказида тугайди. Чуқур тутамлар эса тўғри ичакнинг пастки қисмини ўраб олиб орқа тешикни кўтарувчи мушакка ёндошиб туради. Унинг барча тутамлари қисқарган вақтда орқа тешикни қисади.

Чанок диафрагмасининг чуқур мушакларига орқа тешикни кўтарувчи мушак ва дум мушаги киради.

Орқа тешикни кўтарувчи мушак (*m. levator ani*) учбурчак шаклидаги жуфт мушак. Унинг олдинги тутамлари қов суяги пастки шохининг ички юзасидан, ён тутамлари чанок фасциясининг қалинлашуvidан ҳосил бўлган мушакнинг пай равоғидан бошланади. Ён ва чап мушак тутамлари пастга ва орқага йўналиб тўғри ичакни ўраб бир-бири билан қўшилади ва орқа тешик дум бойлами (*lig. anasoccegeum*) воситасида дум суяги учига бирикади. Эркакларда бу мушак толаларининг бир қисми простата безига, аёлларда эса қин, шунингдек қовуқ ва тўғри ичак деворлари билан чатишади. Орқа тешикни кўтарувчи мушак қисқарганида чанок тубини мустаҳкамлайди, тўғри ичакни пастки қисми олдинга ва юқорига тортилиб сиқилади. Аёлларда қиннинг кириш тешиги торайиб, қиннинг орқа девори олдингисига яқинлашади.

Дум мушаги (*m. coccygeus*) жуфт, ўтирғич ўсимтаси ва думғаза-ўсимта бойлаидан бошланиб, дум суяги ташқи чеккасига ва думғаза суяги учига бирикади. Бу мушак чанок тўсиғини мустаҳкамлашда иштирок этади.

Оралик фасциялари.

Ораликда ораликнинг юза фасцияси, сийдик-таносил тўсиғининг устки ва пастки фасциялари, шунингдек чанок тўсиғининг устки ва пастки фасциялари тафовут қилинади.

Ораликнинг юза фасцияси (f. superficialis perinei) тананинг умумий тери ости фасциясини бир қисми бўлиб, сийдик-таносил тўсиғи юза мушакларини ташқи томондан қоплайди. Бу фасция олд томондан эрлик олотининг юза фасциясига давом этиб, ён томонда ўтирғич бўртиғига ёпишиб кетади.

Сийдик-таносил тўсиғининг пастки фасцияси (f. diaphragmatis urogenitalis inferior) юза ва чуқур қават мушакларининг ўртасида ётиб, ораликнинг чуқур кўндаланг мушаги ва сийдик чиқариш каналининг қисувчи мушакни ташқи томондан қоплайди. Бу мушакларни уст томонида сийдик-таносил тўсиғини устки фасцияси ётади. Бу фасциялар ўртасида эркакларда бульбоуретрал безлар, аёлларда эса дахлизнинг катта безлари ётади. Сийдик-таносил тўсиғининг устки ва пастки фасциялари ён томондан қов ва қуймич суяклари пастки шохларининг суяк пардасига ёпишиб кетади. қов симфизи соҳасида уларнинг ўзаро бирикишидан ораликнинг кўндаланг бойлами (lig. transversum perinei) ҳосил бўлади.

Чанок тўсиғи соҳасида ораликнинг юза фасциясининг остида чанок тўсиғининг пастки фасцияси (f. diaphragmatis pelvis inferior) ,òààè. Ó îðқа томонда катта думба мушагининг хусусий фасциясига бирикади. Олд томондан у сийдик-таносил тўсиғини орқа чеккасига келиб, унинг устки ва пастки фасцияларига бирикади. Чанок тўсиғининг устки фасцияси чанок фасциясининг париетал варағини бир қисми бўлиб, чанок тўсиғини уст томондан ўраб ундан ўтувчи чанок аъзоларига ўтиб кетади.

Аёллар оралиғи ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Сийдик-таносил тўсиқнинг кенглиги катта бўлиб, ундан сийдик чиқарув каналидан ташқари қин ҳам ўтади. Уларда бу соҳанинг мушаклари эркаклага нисбатан кучсиз. Сийдик-таносил тўсиқнинг устки ва пастки фасциялари эса аксинча пишиқ. Аёллар сийдик чиқарув каналининг қисувчи мушак толалари қинни ўраб, унинг деворига чатишиб кетади. Ораликнинг пай маркази қин билан орқа тешиқ ўртасида жойлашиб пай ва эластик толалардан иборат.

Интерфаол усуллардан «Галерея бўйлаб саёҳат» усулини қўллаймиз. Учта кичик гуруҳга биттадан савол берамиз. 1.сийдик-таносил тўсиқнинг тузилиши. 2.чанок тўсиғининг тузилиши. 3.оралиқ фасциялари. Жавоблар доскада ёзилади. Кейин гуруҳлар алмашиб бошқасини ҳатосини тўғрилайди ва тўлатади. Кимнинг ҳатоси кам тўғриланса, у тўғри ҳисобланади. Гуруҳлардаги барча талабаларга бир хил баҳо қўйилади.

Тест саволлари

1. ОРАЛИҚНИНГ ҚАНДАЙ ҚИСМЛАРИ БОР?

А. ОЛДИНГИ ВА ОРҚА

Б. СИЙДИК-ТАНОСИЛ ВА ЧАНОҚ ТЎСИҒИ

В. ЮЗА ВА ЧУҚУР

Г. СИЙДИК ВА ТАНОСИЛ ТҶСИҶИ
Д. ВЕРТИКАЛ ВА ГОРИЗОНТАЛ ТҶСИҚ

2. СИЙДИК-ТАНОСИЛ ТҶСИҶИ МУШАГИ
А. M.PERINEI TRANSVERSUS, M.ISCHIOCAVERHOSUS
Б. M.BULBOSPONGIOSUS, M.COCCYGEUS
В. M.ISCHIOCAVERNOSUS, M.BULBOSPONGIOSUS
Г. M.PERINEI TRANSVERSUS, M.LEVATOR ANI
Д. M.PEVERNEI TRANSVERSUS, M.BULBOSPONGIOSUS

3. ЧАНОҚ ТҶСИҶИ МУШАГИ
А. M.ISCHIOCAVERNOSUS
Б. M.SPHINCTER ANI EXTERNUS
В. M.BULBOSPONGIOSUS
Г. M.PERINEI TRANSVERSUS
Д. M,SPHINCTER URETRAE

4. СИЙДИК ТАНОСИЛ ТҶСИҶИ МУШАГИ
А. M.TRANSVERSUS PERINEI PROFUNDUS, M.LEVATOR ANI
Б. M.SPHINCTER URETHAE, M.TRANSVERSUS PERINEI SUPERFICIALIS
В. M.ISCHIOCAVERNOSUS, M.COCCYGEUS
Г. M.BULBOSPONGIOSUS, M.LEVATOR ANI
Д. M.PERINEI TRANSVERSUS, M.BULBOSPONGIOSUS

5. ЧАНОҚ ТҶСИҶИ МУШАГИ
А. M.BULBOSPONGIOSUS
Б. M.ISCHIOCAVERNOSUS
В. M.SPHINCTER ANI EXTERNUS
Г. M.SPHINCTER URETHRAE
Д. M.PERINEI TRANSVERSUS

6. ЧАНОҚ ТҶСИҶИ ФАСЦИЯЛАРИ
А. F.PELVIS PROPRIA
Б. F.DIAPHRAGMATIS PELVIS SUPERIOR ET INFERIOR
В. F.DIAPHRAGMATIS PELVIS EXTERNA ET INTERNA
Г. F.DIAPHRAGMATIS PELVIS SUPERFICIALIS ET PROFUNDUS
Д. F.PELVIS PROPRIA ET SUPERFICIALIS

8.. СИЙДИК ТАНОСИЛ-ТҶСИҶИ ФАСЦИЯЛАРИ
А. T.DIAPHRAGMATIS UROGENITALIS SUPERTICIALIS ET PROFUNDA
Б. T.DIAPHRAGMATIS URAGENITALIS EXTERNA ET INTERNA
В. T.DIAPHRAGMA UROGENITALIS
Г. T.UROGENITALIS ET PELVINA
Д. T.DIAPHRAGMATIS UROGENITALIS SUPERIOR ET INFERIOR

Топшириқлар:

1. оралиқнинг тузилишини, улардаги ҳосилаларнинг лотинча номларини айтиб, вазифасини билиш
2. оралиқ даги асосий анатомик белгиларини кўрсатиб бериш
3. оралиқнинг тузилишини болалардаги хусусиятларини билиш
4. Мавзу бўйича талабаларни баҳолаш варақасини тўлдириш

Терминлар			Аъзо қисмлари	Аъзонинг фаолияти
лотинча	ўзбекча	русча		

Баҳолаш мезони:

Балл	Баҳо	Талабанинг фан бўйича билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба оралиқнинг тузилишини, улардаги ҳосилаларнинг лотинча номларини айтиб, вазифасини тушунтира олса. Уларининг болалардаги хусусиятларини айтиб берса.
71-85	Яхши	Талаба оралиқнинг тузилишини, улардаги ҳосилаларнинг лотинча номларини айтиб, вазифасини тушунтира олса.
55-70	қониқарли	Талаба оралиқнинг тузилиши ва вазифаси тўғрисида тасаввурга эга бўлса.
0-54	қониқарсиз	Талаба оралиқнинг тузилиши ва вазифаси тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмаса.

Жорий назорат саволлари

1. Оралиқнинг чегаралари қайсилар?
2. Сийдик-таносил тўсиғини юза мушаклари қайсилар?
3. Сийдик-таносил тўсиғини чуқур мушаклари қайсилар?
4. Чаноқ тўсиғини юза мушаклари қайсилар?
5. Чаноқ тўсиғини чуқур мушаклари қайсилар?
6. Сийдик-таносил тўсиғи фасциялари қайсилар?
7. Чаноқ тўсиғи фасциялари қайсилар?
8. Аёллар оралиғини фарқи қандай?

Машғулотнинг таъминланиши

Оралиқнинг препарати, бутун чаноқ, расмлар ва муляжлар.